

## **“КОНСТИТУТЦИЯ – ШАЬНИМ ВА ҚАДРИМ ҲИМОЯЧИСИ УНДА ТАБИАТНИ АСРАШ ВА ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ БОШ МАСАЛАДИР!”**

*Худойқулова Дилором Холовна, Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани адлия бошқармаси боши мутахассиси.  
e-mail:[Khudaykulova77@mail.uz](mailto:Khudaykulova77@mail.uz) Телефон: 91-967-17-02.*

**Аннотация:** Мақола мазмунида юртимизда 2023 йил 30 апрел куни ўтказилган янги Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Конституцияда жамиятни янада тараққий эттиришга, фуқароларнинг табиатни асраш ва экологик-хуқуқий тарғибот жараёни орқали онгли-хуқуқий муносабатларни шаклланиши учун, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли таъминланишига хизмат қиласидиган имкониятлар ҳақида сўз юритарди ва унда **Конституциямизнинг 19-моддаси 1-қисмида белгилаб берилган масалаларга эътибор беради**. Инсонга тегишли бўлган ҳуқуқлар - инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, озодлиги, тенглиги, эркин бўлиши, хавфсизлиги, дахлсизлиги кабилар билан бирга табиатни асраш ва экологик-хуқуқий тарғибот бош масала эканлиги асосланган. Конституциянинг **49-модда (биринчи қисми)га ўзгариш киритилиб** унда: “**Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга**”-деб белгиланган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикасининг, янги референдумдан ўтган Конституцияси, табиатни асраш ва экологик-хуқуқий тарғибот, инсонга тегишли бўлган ҳуқуқлар - инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, озодлиги, тенглиги, хавфсизлиги, дахлсизлиги, табиатни асраш, экологик-хуқуқий тарғибот, атроф-муҳитга бефарқ бўлмаслик, аҳоли саломатлигини асраш, давлат миқёсидаги чора-тадбирлар.

Бугун мақоланинг **кириш қисмида** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрел куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги Конституция ҳақида тўхталиб, Бу орқали ҳалқимиз “**Конституция – шаъним ва қадрим ҳимоячиси деб**, унда табиатни асраш ва экологик-хуқуқий тарғибот масалаларига алоҳида эътибор бериб, тарғибот ишлари олиб бормоқ лозимлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоясига қаратилган кўплаб таклифлар инобатга олинди ва Конституциямиз том маънода бугун **халқ Конституцияси** бўлди.



Мақоланинг кириш қисмида энг аввалло Конституциясига эътибор қаратиб, унинг афзаллик жиҳатларига тўхталамиз.

Моддалар сони 128 тадан 155 тага оширилди, Конститутциямизнинг 275 та нормаси 434 тага кўпайтирилди, яъни амалдаги Конститутциямиз 65 фоизга янгиланди.

Янгилangan Конститутция жамиятни янада тарақкий эттиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли таъминланишига хизмат қиласди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, - деб белгилangan Конститутциямизнинг 19-моддаси 1-қисмида. Инсон туғилганидан бошлаб унга тегишли бўлган табиий ва ажralmas ҳуқуқлар - инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, озодлиги, тенглиги, эркин бўлиши, хавфсизлиги, дахлсизлиги кабилар киради. Конститутциямизнинг 1-модда 1-қисмда Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат, -деб белгиланди.

**Биринчидан,** Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат деб мустаҳкамланиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар З баравардан ортди. Конститутциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланди.

Натижада давлат органлари, шу жумладан, судлар ўз фаолиятида Конститутсияга тўғридан-тўғри мурожаат қилган ҳолда қарорлар қабул қиласди. Қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши мустаҳкамланди.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон – ижтимоий давлат деб белгиланиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конститутсиядаги нормалар З баробарга кўпайтирилди, айниқса ижтимоий химояланмаган ёки эҳтиёжманд қатlamни қўллаб-қувватлашга оид нормалар киритилди. Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизнинг бош мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва химоя қилишдан иборат бўлиб, кимгадир ортиқча мажбурият ёки харажат юкламаслиги керак.

Айтайлик, шахс тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи, лекин у давлат рўйхатидан ўтиш босқичларини қилмасдан ёки рухсат берувчи хужжатларни олмасдан иш бошлади. Бундай ҳолат учун яқин йилларгача унинг фаолияти тугатилган ёки тўхтатиб қўйилган. Бироқ бутунги қунда унга ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик тушунтирилади, рухсат берувчи ёки литсензия хужжатини олиш учун муайян вақт берилади. Бундан кўзланган мақсад ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, ҳам битта тадбиркорни сақлаб қолиш.

Ушбу қоида давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имкониятини кенгайтиради ҳамда инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлишини таъминлашга хизмат қиласди.

15-модда 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси

мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласи ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.-деб белгиланган. Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакатнинг бутун ҳудудида қўлланилиши нормаси, ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий қўринишларидан бири деб белгиланган.

Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги деганимизда, мавжуд бўлган нормалар жамиятдаги муҳим муаммоларни тўғридан-тўғри тартибга солсагина, инсон манфаатларига хизмат қилсагина, унинг юридик кучи, таъсири сезилади ва эътироф этилади.

**25-модда 1-қисмида Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.** Яшаш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқук ва эркинликларининг пойдевори ҳисобланади. Олдинги Конституцияда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги келтирилган бўлса-да, ушбу ҳуқуқни давлат томонидан конституциявий даражада қўриқланиши алоҳида белгиланмаган эди.

Янги Конституцияда эса, ушбу норма умумеътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштирилиб, яшаш ҳуқуқи инсоннинг туғилиши билан бериладиган ажралмас ҳуқуқи эканлиги, унга ҳеч ким дахл қилишга ваколатли эмаслиги, ҳар бир туғилган гўдакнинг соғлиғи ёки руҳий ҳолатидан қати назар яшашга бўлган ҳуқуқи давлат томонидан тўлиқ муҳофазаланиши белгиланди.

**27-модда 2-қисмида Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сакланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас**

Инсоннинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи дахлсиздир. Ҳеч ким бошқа инсонни бу ҳуқуқидан қонуний тартибдан ташқари равишда маҳрум этиши мумкин эмас. Бутун дунёда Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича муҳим институтлардан бири “Хабеас корпус акти” – шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шартлигини белгилайди.

Буни аҳамияти шундаки, шахс фақат суднинг қарори билан қамоққа олиниши мумкин ва суднинг қарорига қадар ушлаб туриш қўпи билан кирк саккиз соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агар шу вақт оралиғида суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинmasa, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак.

Одатда, ҳаётда шахсга нисбатан жиноят иши бошланганда ёки у ҳибсга олинганда у оғир руҳий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди, ўз

хуқуқларини тўлиқ англай олмайди. Шундай руҳий ҳолатда унга нисбатан турли ноқонуний ҳаракатлар қўллаш хавфи ҳам ошади.

Эндилиқда ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги ҳамда унинг эркинлигини чеклаш фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши белгиланди.

Янги конститутциявий қоида шахсий эркинлик дахлсизлигини кафолатлаб, тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликни таъминлайди.

Суднинг конститутсиявий назорати шахсни асоссиз ҳибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, шу орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида инсон озодлигини чеклаш билан боғлик тергов хатоларига йўл қуйилмаслигига ҳамда фуқароларимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга хизмат қиласди.

**Конституциянинг 49-модда(биринчи қисми)га ўзгариш киритилиб унда: “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга”-деб белгиланган.**

Шундай экан табиатни асраш ва экологик-ҳуқуқий тарғибот инсон саломатлиги ва ҳаётига таъсир қилувчи муҳим омилдир. БМТ маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 20-40 фоизи табиатни асраш ва экологик-ҳуқуқий тарғибот ҳолатига боғлик. Зоро, фуқароларнинг муносиб экологик ҳуқуқлари таъминланмасдан туриб, фуқароларнинг саломатлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконсизdir.

Табиатни асраш ва экологик-ҳуқуқий тарғибот соғлигини, аҳоли саломатлигини таъминлашда экологик-ҳуқуқий тарғибот ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат миқёсидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг қулай экологик-ҳуқуқий муҳитга, яъни, атмосфера ҳавоси, оқар суви, тупроғи тоза юртда яшашга бўлган ҳуқуқи инсоннинг асосий фундаментал ҳуқуқларидан бўлиб, инсоннинг барча асосий ҳуқуқларини амалга ошириш учун жуда муҳимдир. Табиатни асраш ва экологик-ҳуқуқий тарғибот тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи деганда иқлим, табиий географик жараёнлар, метеорологик кузатувлар натижалари ва бошқалар тўғрисида ҳаққоний маълумотларни олиш назарда тутилади. Юртимизнинг кескин континентал иқлими ва мураккаб географик жойлашуви сабабли аҳолини экологик-ҳуқуқий ҳолати тўғрисида хабардор қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Масалан, Фарғона водийси аҳолисини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи ягона автомобил йўли об-ҳавоси доимий равишда кескин ўзгариб турувчи, қорли Қамчиқ довони орқали ўтган. Ушбу ҳудуддаги иқлим шароитлари ҳақида ишончли ахборотга эга бўлиш Ўзбекистоннинг деярли 1/3 аҳолиси истиқомат қилувчи Фарғона водийси аҳли учун жуда муҳим. Табиий ҳодисалар нафақат кундалик ҳаётимизга бевосита таъсир қиласи, балки мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришларга ҳам сабабчи бўладиган омиллардан биридир.

Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи одамларни аномал совуқ ёки аксинча иссиқ об-ҳаво келиши, кучли ёмғирлар, дўл, сел ҳамда чорва ва экинларга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган табиий жараёнлар ҳақида олдиндан огоҳлантириш нафақат бир оила, маҳалла ёки туман, балки бутун мамлакатнинг иқтисодиётида заарли оқибатларни олдини олишга ёрдам беради.

Конституциямизга киритилган нормалар тўғридан-тўғри амал қилувчи қоидалар бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлашга хизмат қилишга қаратилди. Бу масалада юзасидан шуни айтиш мумкинки экология ва атроф-муҳитни ҳимоя этиш юзасидан тарғибот ишлари шахсан Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ана шундай эзгу ва инсоний қадриятларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўзлигимизни, аждодларимиз теран тафаккурини, ҳалқимиз бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини намоён этувчи қадриятларимиз бисёр. Улар орасида инсон ва табиат уйғунлигини таъминлашга қаратилган бир қатор урф-одатлар ҳали-ҳамон ҳаётимизга йўлдош бўлиб келади. Масалан, оиласда фарзанд туғилса яхши ният билан боболар, оталар унга атаб ниҳол қадайди. Она боласини қандай асраб-авайласа, ота боғдаги ниҳолларни қаҳратон совуғиу саратон жазирамасидан эсон-омон олиб ўтиб, дарахтга айланиши учун бор кучи ва меҳрини беради. Шу таҳлит инсон ва табиат уйғун ҳолда ривожланиб бораверади, ҳам ризқ яратилади, ҳам оламга гўзаллик баҳш этилади. Инсон нега бу қадар яшилликка интилади?

Тириклик учун яшил оламнинг аҳамияти нимада? Келинг, бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги маълумотларга эътибор қаратайлик: Катта ёшдаги дарахт бир мавсумда йил бўйи ўн киши истеъмол қиласидан миқдорда кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар дарахтзор бир кунда 220–280 килограмм карбонат ангидрид ютади ва 180–220 килограмм кислород беради. Дарахтзорлар ҳаводаги чанг миқдорини камайтиради ва шовқинни пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Манзарали дарахт экилган боғда ярим соатлик сайр қилиш бир неча турдаги дори воситалари ўрнини босади.

Кучли санитар сифатида дараҳт ва буталарнинг яшил юзаси ис газини ютиб, инсон ҳаёти учун зарур бўлган кислород чиқаради. Дараҳтлар ҳам барча тирик мавжудодлар каби ўзига хос қувват манбаига эга. Чунки инсон дараҳтлардан таралаётган ифордан баҳраманд бўлиб, кайфияти кўтарилади. Хуллас, дараҳт инсоннинг тўлақонли яшаши учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга ва табиатга, инсонга бемисл наф келтиради, ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Шу боис, ота-боболаримиз дараҳтнинг сояси жонга, меваси танга дармон, дея эъзозлайди. Бирни кессанг, ўнни эк, дея табиатни асрашга, яратувчиликка даъват ва мақоллар мавжуддир.

Юртимизда амалга оширилаётган “**Яшил макон**” лойиҳаси ана шундай эзгу қадриятларимиз давомийлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз ташабbusi билан ўтказилиши анъанага айланган ушбу экологик лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп дараҳт ва бута кўчатини экиш ва шу орқали мамлакатимиз яшил майдонларини амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режа қилинган.

Мазкур умумхалқ тадбирини амалга оширишнинг хуқуқий асослари 2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларида, Президентимизнинг 2021-йил 30-декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мустаҳкамланди. Бу жараёнлар ҳақида Конститутциямизда етарлича хуқуқий жиҳатлар асослаб берилган. Бугун Конститутциямизда бўлган ўзгаришлар ҳақида тўхталар эканмиз, айрим ҳудудларда қўчат тўғри келган жойга тартибсиз экилган, молиялаштириш манбаси аниқ белгиланмаган. Қолаверса, қўчат экиш жараённида тупроқ-иклим шароити ва суғориш тизимиға етарли даражада эътибор қаратилмаган, экилган кўчатларни сақлаш ва парваришлаш, касаллик ва зааркундаларга қарши курашиш бўйича тизим яратилмаган. Республика бўйлаб экилган дараҳт кўчатлари ва буталарни барча параметрлар асосида назорат қилиш ҳамда ҳисобини юритиш мақсадида “**Яшил макон**” платформаси шакллантирилди ва унинг мобил иловаси ишга туширилди.

Президентимиз раислигида 2022 йил 11-октябр куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида худудларни кўкаламзорлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий ва келгуси мавсумда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Хусусан, бу йил якунигача 75 миллион туп, келгуси йил баҳор ойларида яна 125 миллион туп мевали ва манзарали қўчат экиш вазифаси қўйилди. Бу вазифалардан келиб чиқиб, ўқувчиларга табиатни асраш ва экологик-хуқуқий тарғибот бўйича қўйидагилар таклифларни амалга ошириш лойиҳаси жорий этилди:

1. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилсин:

- дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳдилларни амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш;
- кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар иқлимига мос хорижий манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш;
- ҳудудларда “**яшил боғлар**” ва “**яшил жамоатчилик парклари**” ни барпо этиш;
- дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;
- ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизmlарини кенг жорий етиш;
- дарахтларни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни қучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини янада ошириш. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-февралдаги ПФ-6155-сонли Фармони билан республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш муддати узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-августдаги ПФ-6044-сонли Фармонига мувофиқ Давлат экология қўмитасига давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатнома бериш ваколатини маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Давлат экология қўмитаси органларига беришни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳамда ҳукуматга миқисидаги қарорларга киритиш вазифаси юқлатилганига қарамасдан, шу кунга қадар мазкур топшириқ етарлича ҳамма жойда бажарилмаган.

Шунингдек, мазкур қарорга кўра дараҳтларнинг хатлови ҳар беш йилда бир марта ўтказилиши натижасида республикада ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар кесилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг қўпайишига ҳамда аниқ статистик маълумотлар юритилмаслигига сабаб бўлмоқда<sup>28</sup>.

**Яшил ўсимликларни** кислород ажратиш ва озиқ моддалар яратишдаги ўрнини бекуёс катта эканлиги ва ўсимликлар дунёси сайёрамиздаги ҳаётнинг бирламчи манбай эканлиги, унинг инсонни кундалик ҳаётида аҳамияти жуда катта эканлигини, ўсимликлар ердаги мавжудотларнинг яшashi учун зарур бўлган кислород ва органик моддаларни яратиб бериши кўрсатилган. Дунё бўйича ҳар йили ўсимликлар 380 млрд. тоннадан кўпроқ органик модда ҳосил қиласди. Ўсимликлар туфайли фотосинтез жараёни рўй беради. Фотосинтез жараёни бўлмаса, ҳавода карбонат ангидриднинг (С02) микдори қўпайиб кетади, одамлар ва ҳайвонлар нобуд бўлади. Яшил ўсимликларнинг мавқеи одамлар ҳаётида ҳам ниҳоятда катта. Ўсимликлар озиқ-овқат, ем-хашак, дориворлар, қурилиш материалларининг манбай ҳисобланади. Одамларнинг кундалик ҳаётида ҳам ўсимликлар мавқеи катта. Улар ер юзасида сув оқимиға, буғланишига, тупроқда нам сақлашга, атмосферанинг қуий қисмидаги ҳаво оқимиға, шамолнинг кучи ва йўналишига, ҳайвонларнинг ҳаётига таъсир этади.

**Хулома қилиб шуни айтиш мумкинки,** Янги референдум асосида кучга кирган Конституция ҳар томонлама инсонларни ҳимоя қилиш ва уларни табиатни асрash ва экологик-хуқуқий тарғибот ҳар бир инсоннинг онгли фаолияти эканлигини асос бўлиши лозим. Бу эса табиатни, ўрмонзорлар асрash, экинзорларни кўпайтириш, яйлов ва ўтлоқлар сифатини яхшилаши ҳисобига ўсимликларнинг майдони кенгайтириш имконига эга бўлади. Шу билан биргалиқда инсоннинг ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ишларини тўғри амалга ошириш, тупроқ унумдорлигини тобора ошириб бориш, алмашлаб экиш, ўғитлаш янги серҳосил навларни қўллаш, илғор технология асосида дала шароитида ўсимлик маҳсулотлари етиштиришдаги хизмати бекиёсдир. Бу эса «Яшил макон» лойиха асосида экологик-хуқуқий тарғибот ишларининг самарадорлик имконини ошади. Ҳар бир инсон бу ҳаётда ўзини табиатни асрash учун тарғиботчи деб хис этиш ўзини бурчи деб билиши лозим.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. Нарбайева. Тошкент ш., 2021-йил 31-июл,

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг янги референдумдан ўтган Кониституцияси. -Тошкент , 2023 йил 30 апрель..  
2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сеябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.  
<https://ma.uz/wp-content/uploads/2017/09/sh-mirziyoev-manaviyatsoati.pdf>//108-сон 26.02.2021. (lex.uz)
- 3.Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон 362-II-сон 05.04.2002. Чиқиндилар тўғрисида (lex.uz)
- 4.2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон фармони. ПФ-5024-сон 21.04.2017. (lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон фармони. ПФ-5863-сон 30.10.2019. (lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-76-сон қарори. ПҚ-76-сон 30.12.2021. (lex.uz)
- 7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги Экологик хавфсизлик тўғрисида умумий техник регламент 95-сон қарори. 95-сон 18.02.2020. (lex.uz)
8. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва худудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишиги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2022 йил 3 февраль № 25 (8087)
- 9.Абдураҳимов А.Экологик билимлар амалиётда./Халқтаълими. 1998, №6, 99- 100-101-бет.
- 10.Алимкулов М.С. Экологическая культура безопасности. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов Курск. 2016.№6 (120). июнь, - 54-56 с.
- 11.Гафаров З.М., Каримова О.А. Методика правового обучения: Учеб-пособ.- Т.:Ўқитувчи.1996.-232 с.

12. Рафиқов В. Ўзбекистон худудининг чўлланиш жараёни. –Т.: Фанлар академияси қошидаги Сейсмология институти. 2022 й. Кун. Ўз.
13. Махмудова Ш.Л. Экологическая культура как фактор гуманизации отношения общества к природе: - Т., 1994. – 20 с.
- 14.Холмўминов Ж.Т ва бош.Экология ҳуқуқи. -Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001,328-б.
- 15.Худойқулова Д. X. Ўзбекистон худудидларидағи чўлланиш оқибатларини бартараф этишда адлия органларининг экологик-ҳуқуқий тарғибот ишлари. Тошкент.: SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 2 FEBRUARY 2023 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ.